

2-1-2020

PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE INSURANCE SYSTEM OF UZBEKISTAN

G. Khaliqulova
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khaliqulova, G. (2020) "PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE INSURANCE SYSTEM OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мазкур мақолада мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта тизимида суғурта телематикасини киритиш, унинг ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Хорижий тажрибага асосланиб Ўзбекистонда суғурта телематикасини амалиётга жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта тизими, суғурта фаолияти, суғурта ташкилотлари, рақамли иқтисодиёт, суғурта телематикаси.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРАХОВУЮ СИСТЕМУ УЗБЕКИСТАНА

В данной статье рассматриваются вопросы интеграции страховой телематики в систему страхования при развитии цифровой экономики в стране, анализируются тенденции ее развития. Рассматриваются перспективы внедрения страховой телематики в Узбекистане с учетом зарубежного опыта.

Ключевые слова: система страхования, страховая деятельность, страховые организации, цифровая экономика, страховая телематика.

PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE INSURANCE SYSTEM OF UZBEKISTAN

This article discusses the integration of insurance telematics in the insurance system in the development of the digital economy in the country by analyzing the trends of its development. Prospects of introduction of insurance telematics in Uzbekistan are considered, taking into account foreign experience.

Keywords: insurance system, insurance activity, insurance organizations, digital economy, insurance telematics.

Кириш.

Суғурта мамлакат молиявий тизимининг асосий бўғинидир, у табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқариш жараёнидаги рисклар ва мулкнинг йўқотишларини юқори бўлган бошқа қўлланмаган ҳодисаларга боғлиқ равишда иштимой такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қодир, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган, иқтисодиётда инвестицион жараёни барқарорлиштирадиган восита ҳисобланади. Мамлакатимизда суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва кўплаб мамлакатларни ўсиш кўрсаткичларини ортда қолдирмоқда. Аммо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг ролини ошириш ҳамон ечилмаган вазифа бўлиб келмоқда.

2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида “.....замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади.....”,- дея эътироф этилди. Бу эса албатта Ўзбекистон суғурта тизимини янги, замонавийлашган ва жаҳон стандарлари мос қилиб ривожлантиришни, янги инновацион суғурта маҳсулотларини жориш этишни талаб қилади.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида суғурта тизимини ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Замонавий иқтисодий адабиётда кўплаб тадқиқотлар суғурта бозори ривожланишининг микдорий кўрсаткичлари ва суғурта муносабатларини тартибга солиш усулларини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Суғурта тизимини тадқиқ қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган, шунга қарамасдан, хорижий муаллифларнинг “суғурта тизими” атамасининг таърифига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Хорижий муаллифларнинг асарларида “суғурта тизими” атамасининг қуйидаги таърифига алоҳида эътиборга молик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

В.В. Шахов суғурталаш тизимини ушбу иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг, давлат назорат қилувчи органи билан ўзаро боғлиқлигидаги муносабатларининг йиғиндиси каби таърифлайди [1]. Муаллиф суғурта тизимининг асосий вазифаларини ажратиб кўрсатади: тадбиркорларга ишлаб чиқариш ёки савдо жараёнининг узлуксизлигида маълум кафолатларни таъминлайдиган суғурта ва маслаҳат хизматлари тўплами, индивидуал миқозларга кундалик ва ишончли суғурта хизмат кўрсатилишини тақдим этиш.

С.Л. Ефимов суғурта тизимини суғурта ҳуқуқий муносабатлари ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли сифатида таърифлайди, у давлат суғурта монополияси ёки эркин суғурта бозори орқали ифодаланиши мумкин[2].

С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасоваларнинг қайд этишларича, суғурталашнинг асосий тамойиллари ичида суғурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ва суғуртанинг ҳуқуқий муносабатларини амалга оширилиши тамойилларини фарқлаш лозим[3]. Суғурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ичида муаллифлар суғурта манфаати мавжудлиги тамойили, суғуртанинг рисклилиги тамойили, эквивалентлик тамойилини ажратиб кўрсатади. Суғурта тизими бюджет ва банк-кредит тизимлари ўртасида оралиқ ўрин тутди. Тармоқ йўналиши белгисига кўра суғурта тизими қуйидаги тармоқларга бўлинади: ижтимоий суғурта, шахсий суғурта, мулкий суғурта, жавобгарлик суғуртаси, тадбиркорлик рискларини суғурталаш.

Е.Ф. Дюжиковнинг қайд этишича, миллий суғурта тизимининг тузилиши қонунчилик базасини шакллантириш, суғурта фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш, суғурталанувчиларга рағбатловчи солиқ имтиёзларининг берилиши ҳамда миллий суғурта тизимининг халқаро суғурта бозорига босқичма-босқич интеграциясини ўз ичига олади[4].

О.А. Таракуцяк суғурта тизимини суғурта бозори орқали тадқиқ этади ва унинг мураккаб, кўп омилли, динамик, тегишли тарзда тузилмага эга, очиқ, давлатдаги умумий иқтисодий вазиятга ва сиёсатга боғлиқ тизим эканлигини қайд этади[5].

Кишиларнинг ўртасида бундай муносабатлар тизимининг пайдо бўлиши унинг бир қатор рисклар билан боғлиқлиги билан изоҳланади, улар бозор муносабатлари субъектларининг хўжалик фаолияти натижаларига зарар етказиши мумкин.

В.И. Плис ҳам суғурта тизимини суғурта бозори нуқтаи назаридан кўриб чиқади, уни турли таркибий тузилма бўлимларини қамраб олган, бирламчи бўлими суғурта компанияси бўлган мураккаб интеграцияланган тизим каби таърифлайди[6]. Муаллиф, шунингдек, жаҳон суғурта тизимининг тушунчасини ажратиб кўрсатади, жаҳон суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятларини қайд этади.

В.Д. Базилевич, К.С. Базилевичлар суғурта тизимини суғурта ҳимояси тизимининг мажмуаси, дея таърифлайди[7].

Александрова М.М. суғурта тизимини суғурта муносабатларининг субъектлари ўртасида жавобгарликни рисклар бўйича тақсимлаш учун суғурталаш усуллари каби таърифлайди[8].

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, суғурта тизими узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий агентлар мулкый манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатларнинг мураккаб мажмуи ҳисобланади. Суғурта тизими суғурта турлари ва тамойиллари ҳамда инфратузилмасини ўз ичига олади.

Таҳлил ва асосий натижалар.

Замонавий электрон-рақамли дунё суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорликка бевосита таъсир қилувчи рискларни имкон қадар аниқ ва тўғри баҳолаш мақсадида суғурталанувчиларни кенг қамровли маълумотлар билан таъминлаб, суғурта фаолияти учун кўплаб имкониятларни очиб бермоқда. Шу билан бирга, рискларни баҳолашнинг сифатли моделини шакллантиришга ва суғурта ҳодисаларининг юз бериш эҳтимолини прогноз қилишга бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Рақамли технологияларнинг оммалашуви ва такомиллашуви ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, иқтисодиётнинг тузилмаси ва таълимга таъсир кўрсатади, коммуникациялар, ҳисоблаш қувватлари, ахборот тизимлари ва сервисларга янги талабларни белгилаб беради. Замонавий шароитда ривожланган платформаларсиз технологиялар, институционал ва инфратузилмавий муҳитларсиз бозорлар ва фаолият соҳаларининг динамик ривожланиши амалга ошмаслиги муқаррар.

Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни суғурталовчилар, яъни суғурта бозорининг асосий иштирокчилари, суғурта фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ҳам жиддий таъсир этади.

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг базавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Улар суғурта жараёнлари ва механизмларини соддалаштириш мақсадида рақамли технологиялардан борган сари фаолроқ фойдаланади. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичида ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.

Суғурта компаниялари фаолиятининг мақсади суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши лозим, уларнинг эҳтиёжлари албатта иқтисодиёт рақамлаштирилиши муносабати билан ўзгариб боради. Истеъмолчиларга рақамли технологиялар ёрдамида тақдим этиладиган фойдаланиш имкониятлари (“бир босиш” орқали харид қилиш), куну тун фойдаланиш имкони ва тез етказиб бериш; товар ва унинг хусусиятлари ҳақида аниқ ва тушунарли маълумот; инновацион хусусийлаштирилган хизматлар зарур бўлади. Қисқа муддатли даврда бундай натижаларга эришиш суғурталовчи учун ўз фойдасини ошириш имконини таъминлайди. Айни пайтда рақамли технологияларни жорий қилиш суғурталовчи учун товарнинг қиймат занжирида ҳаракати давомида харажатларни камайтириш имконини беради. Чунончи, жараёнларни автоматлаштириш суғурта даъво аризаларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Узоқ муддатли даврда фойда олиш инновацион суғурта маҳсулотлари ва ҳимоялаш хизматларини (protection services) жорий қилиш билан боғлиқ. Киберхавфсизлик муаммоси компаниялар, уй хўжаликларининг ахборот йўқолиши ва кейинги зарар кўришдан ҳимоя қиладиган ёки уларнинг олдини оловчи маҳсулотларга талаби ортишига олиб келади. Суғурталанувчиларнинг иқтисодиётни рақамлаштириш билан белгилаб берилган янги эҳтиёжлари янги технологиялар билан биргаликда суғурта компаниялари учун катта ўсиш имкониятларини таъминлайди. Лекин фаолиятини тартибга солишда мураккабликлар янги суғурта компанияларининг бозорга кириши учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Суғурта бозорида фаолият юритувчи компанияларнинг ўлчами, истеъмолчиларнинг мулк суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурта (property and casualty, P&C) ва айниқса, ҳаётни суғурталаш соҳасида ўз суғурталовчиларни ўзгартиришни истамаслиги янги иштирокчилар учун қийинчиликларга сабаб бўлади, уларга бозордаги ўз улушини тез эгаллашига тўсиқ бўлмоқда. Бундан ташқари фаолият юритувчи суғурта компаниялари катта капитал захираларига эга бўлади, стартаплардан фарқли равишда узоқ йиллар давомидаги тажрибаси ва бозор ҳақидаги маълумотларининг кўп миқдорида асосланган суғурта кўникмалари борлиги билан ажралиб туради.

Юқоридагилар нима учун суғурта соҳасининг рақамли “ривожланиши” умуман олганда, бошқа соҳаларга нисбатан “кечкаётганлигини” изоҳлайди. Лекин бугунги кунга келиб, вазият ўгариб бормоқда. Соҳага инвесторлар томонидан йўналтирилаётган маблағлар, ҳозир бу соҳа “кириб бўлмайдиган” деб қаралмаётганидан далолат бермоқда. Чунончи, Австралия, Сингапур, Буюк

Британияда бозорнинг инновацион бизнес-режаларни жорий қилиниши суғурта телематикасини пайдо бўлишига туртки бўлди.

Телематик тизимлар ахборот технологиялари бозорининг жуда тез ривожланаётган сегментларидан бири ҳисобланади. Аммо “телематика” атамасига умумий таъриф бериш анча мушкул – биринчидан, телематика “узок масофада жойлашган объектларни бошқариш”, иккинчидан, “автомобиллардаги замонавий электрон ускуналар”, учинчидан “маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш бўйича ихтисослаштирилган ахборот қурилмалари ва модуллари” ҳисобланади.

Кўпинча ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар телематикани, телекоммуникация ва телефония тушунчаларига ажратишни шарт деб ҳисоблайдилар. Шунга қарамасдан, телематика умумий кўринишда маълумотларни тадқиқот объекти хусусиятлари жамланган ҳолда олиш мақсадида оралиқ қайта ишлашни талаб қиладиган маълумотлардан узок масофадан фойдаланишни техник жиҳатдан таъминлашдир. Телематик ускуналарни қўллаш соҳаси анча кенг ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

– автомобиль электроникаси ва транспорт воситаларини масофадан туриб бошқариш тизимлари;

– жойлашган жойни аниқловчи GPS тизими;

– масофавий тиббиёт ва организм ҳолатини назорат қилиш ускуналари;

– маълумотларни бошқариш ва қарор қабул қилиш корпоратив тизимлари;

– нанотехника ҳамда нанотехнологиялар ва ҳоказо.

Юқорида кўрсатилган соҳалардаги телематик хизматлар маълумотларнинг ёки овоз узатишнинг маълум бир муҳитини қўллайдилар (тариф режаларидан ва сим-карталардан фойдаланиш воситасида ўзига хос тарзда амалга оширилади, айрим ҳолларда сим-чип дея номланувчи ускуналардан фойдаланилади[9]).

Умумий воқеликда телематик тизимлар самарали фаолияти учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

– ҳозирги кунда барча қабул қилинган ва амалда бўлган мезонлар ва алоқа нормативларига мос келадиган маълумотларни тўплаш ва узатиш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– маълумот тўплаш ва уни қайта ишлаш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш;

– GPS ва маълумотларни қайта ишлаш маркази ўртасида алоқа каналининг узлуксизлигини таъминлаш;

– усқунанинг доимий электр қувватланишини таъминлаш;

– усқунани объектлар ва одамларда қўллаш;

– ҳодисаларни бошқариш мақсадида маълумотлар тармоғини яратиш ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш.


Автомобиль телематикасида автомобилда ахборотни интеграл қайта ишлаш ва узатиш учун компьютер ускуналари билан бирга телекоммуникация технологияларининг ягона муҳитини ўз ичига оладиган қуйидаги тизимлардан

фойдаланилади:

- навигация тизимлари;
- масофавий диагностика тизимлари;
- трафикни назорат қилиш тизимлари;
- симсиз технологиялар;
- автомобилларнинг ўзаро ва атрофдаги инфратузилма билан боғланиш


тизимлари.

Ptolemus Consulting Group номли консалтинг ташкилотининг ўтказган таҳлилига кўра, “ақлли суғурта” турларидан фойдаланиш Буюк Британия, Италия ва Германияда кенг тарқалган. Қуйидаги расмда “ақлли суғурта” полисларини сотиш прогнози келтирилган (1-расм).




1-расм. Европа мамлакатларида суғурта телематикасининг ривожланиши[10]

Шимолий Америка давлатларида эса Berg Insight консалтинг ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йилда “ақлли суғурта” полисларининг сотилиши 40 миллионга етиши кутилмоқда (2-расм).



2-расм. Шимолий Америка ва Европа давлатларида суғурта телематикасининг ҳолати [11]

Осиё ва Тинч океани худудидаги давлатларда, Future Market Insights консалтинг ташкилоти маълумотларига кўра, бу ташкилот нечта суғурта полисининг сотилиши тўғрисидаги маълумотларни бермаган, аммо қанча даромад олиши мумкинлиги кўрсатилган, масалан, ушбу давлатларнинг йиллик даромади 50 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.



3-расм.Осиё ва Тинч океанидавлатларида суғурта телематикасининг ҳолати[12]

J’son & Partners Consulting ташкилотининг маълумотлари дунё бўйича таҳлил қилинган, унда 2020 йилда “ақлли суғурта” полисларининг сотилиши 81 фоизга ошиб, 107 млн. донани ташкил этиши кўзда тутилган.

Юқорида келтирилган маълумотларда суғурта телематикасининг дунёда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Суғурталовчилар олдида турган энг мураккаб масала телематик тизимлардан фойдаланиб, рискларни баҳолаш учун мезонларни тўғри аниқлаб олиш ҳисобланади.

Ғарб суғурта бозорларида қўлланиладиган мазкур мезонларни

куйидагича тавсифланади:

1. Муайян ҳайдовчи томонидан автомобилни бошқариш хусусиятига кўра, ушбу таъриф транспорт воситасини бошқариш сифати – йўлларда автомобилни бошқариш пайтида тезлашиш ва секинлашиш, бошқарувда энг юқори тезлик, бошқарувнинг мақбул тезлигини ўз ичига олади.

2. Йўл бўйлаб автомобилни бошқариш хусусиятига кўра, транспорт воситасини бошқариш мураккаблиги – автомобилни турли йўлларда бошқариш, автомобилни тирбандлик вақтида бошқаришни, автомобилни кундузи ва тунги вақтда бошқариш, автомобилни шаҳар ва шаҳар четидаги катта йўлларда бошқаришни ўз ичига олади.

3. Автомобилни бошқаришнинг қўшимча хусусиятларига кўра, автомобилни тунда сақлаш жойи, жинойтчилар томонидан ноқонуний эгаллаб олинган ҳолатда миждозга дарҳол хабар бериш, автомобилни жойидан кўзғатишга уринилганда, дарҳол хабар бериш (транспорт воситасининг нишаблик қурилмасидан фойдаланган ҳолда), миждозни ЙТХ бузилиши тўғрисида хабардор қилишни (шу жумладан, транспорт воситасининг тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини) ўз ичига олади.

Рискларни баҳолаш моделини шакллантириш учун умумий маълумотларга эга бўлиш етарли эмас, андеррайтер ва актуарийнинг асосий вазифаси у ёки бу рискда унинг солиштирма улушини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир кўрсаткични тўғри тартибда жойлаштиришдан иборат.

Телематик ускуналар маълумотларидан фойдаланиб, рискларни баҳолашга доир аниқ мисолларни кўриб чиқамиз.

Транспорт воситасини бошқариш услубини таҳлил қилиш жуда оддий тартибда жойлаштириш имконини беради – энг тўғри бошқариш хусусиятига эга автомобиль ҳайдовчилари тўсиқларга ёки бошқа транспорт воситаси билан тўқнашиш эҳтимоли жуда кам, аксинча, доим тезлашиш ва секинлашувчи тажовузкор ҳайдовчи йўл-транспорт ҳаракати ҳодисаси иштирокчиси бўлиш эҳтимоли анча юқори. Моделни шакллантиришнинг дастлабки босқичида бошқариш усулини бир тартибга қўйиш учун ушбу моделга уч турдаги ҳайдовчиларни киритиш етарли: тўғри ҳайдовчи, нормал ҳайдовчи, тажовузкор ҳайдовчи. Бошқариш услуби тўғрисида ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир ҳайдовчининг “бошқариш услуби” хусусияти асосий кўрсаткич сифатида белгиланади.

Транспорт воситасини бошқариш хусусиятини таҳлил қилиш анча мураккаб, уни жуда тўғри шакллантириш учун анча катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқиш керак:

– автомобиль йўлларини хусусиятига кўра ажратиб чиқилади, бурилиш жуда кўп бўлган маҳаллий йўллар, мураккаблик даражаси жуда паст бўлган йўллар, тезлик чекланган тўғри йўллар назарда тутилади;

– йўлларнинг турли вақтда тирбандлиги даражаси бўйича (эрталаб, кундузи, кечки пайт, тун), бу ҳолда бепул Yandex сервиси анча яхши ёрдам беради.

Ихтиёрий тиббий суғурта учун телематика соғлиқни масофадан туриб назорат қилиш тизимини жорий этиш учун ва мос равишда, олинган маълумотлардан, шу жумладан, касаллик ривожланишининг эрта босқичида аниқлашга қаратилган олдини олувчи чораларни амалга ошириш орқали олинган маълумотлардан фойдаланиб, ихтиёрий тиббий суғурта маҳсулотининг нархини аниқлашда рискларни баҳолаш тизимини шакллантириш учун қўлланилади.

2015 йил 1 январдан бошлаб Европада янги тиббий дастур ишга тушди, унга кўра шифокорлар ва уларнинг беморлари электрон касаллик варақаси билан ишлайдилар[13]. Германиянинг Соғлиқни сақлаш федерал вазирлиги қоғоз вариантга нисбатан янги тизим анча тезкор, яхши ва самаралироқ деб эълон қилди. Бундан ташқари уни жорий этиш ҳар йили сарфланадиган харажатларни сезиларли даражада тежалишига олиб келди.

Электрон картадан фойдаланиш учун беморларда махсус PIN-код мавжуд бўлиб, маълумотлар кўрсатилган пластик карточка эса шахсни тасдиқлаш учун хизмат қилади. Унда шахнинг исми-шарифи, яшаш манзили ва туғилган йили кўрсатилган. Келажакда картага муайян бемор томонидан маълум дори воситаларини қабул қила олмаслик тўғрисидаги маълумотни киритиш режалаштирилмоқда – бу фавқулодда ҳолатларда шифокорларга тезда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Касаллик тарихлари Gematik компаниясининг масофавий серверларида сақланади ва беморлар улардан исталган вақтда, исталган жойда фойдаланишлари мумкин. 2019 йилда бундай маълумотлар базасини шакллантиришни яқунланди, шундан кейин тизим тўлақонли ишга тушди.

Фитнес – браслетлар имконияти унга жойлаштирилган қурилмаларнинг умумий ҳолатларда қуйидагиларни аниқлаб берувчи функциялари билан чекланган [14]:

- қон босимини ўлчаш;
- томир уришини ўлчаш;
- тана ҳароратини ўлчаш;
- юрганда, велосипеддан фойдаланганда, зиналардан чиқаётганда ва тушаётганда фаолликни аниқлаш;
- ухлаш вақтини аниқлаш;
- терининг электр ўтказувчанлик фаоллигини аниқлаш.

Махсус ихтисослаштирилган дастурий таъминотни қўллаган ҳолда кўрсатилган маълумот инсон организмнинг ўртача белгиланган мезонларга нисбатан жорий ҳолати тўғрисида дастлабки хулоса қилиш имконини беради, ҳаракат чоғида узоқ муддат кузатиш меъёрдан эҳтимолий четга чиқиш ва рисклар тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

Аммо маълумотларни “ҳаракат чоғида” тўплашдан олдин соғлиқ ҳолатининг дастлабки андеррайтингини қуйидаги дастлабки маълумотлар асосида ўтказиш мумкин:

- тананинг ёғсиз вазни;
- вазн;

- тана вазни индекси;
- организмдаги ёғлар фоизи;
- бўй;
- ёш;
- жинс;
- спорт билан шуғулланиш ва ҳоказо.

Олинадиган маълумотларни тўғри таҳлил қилишнинг энг муҳими браслетни узлуксиз тақиб юриш ва дастурий маҳсулотга мижоз томонидан ўз биометрик маълумотларини киритиш ҳисобланади.

Жисмоний шахслар мулкни суғурта қилишда уй-жой хавфсизлиги актив (ёнғин хавфсизлиги ускуналари, автоматик тарзда сувни бекитиш ва электр қувватини ўчириш), шунингдек, пассив тизимларда (истеъмол қилинаётган сув ҳажми, мулк жойлашган ҳудудда жиноятчилик даражаси ва ҳоказо) фойдаланиши мумкин. Рейтинг омиллари сифатида қабул қилиш мумкин бўлган омиллар бу ҳолатда қуйидаги кўрсаткичларни қабул қилиш заруратини туғдиради.

Марказий коммуникацияга уланган шахар хонадонлари учун:

- сарфланган сув ҳажми;
- сарфланган электр қуввати миқдори;
- сарфланган газ миқдори.

Суғурта ходисаси юз бериш эҳтимолини баҳолашга бевосита таъсир қилувчи асосий хусусиятлар бу ҳолда қуйидагилар бўлади:

- мулк жойлашган ҳудуддаги жиноятчилик даражаси;
- уйнинг неча қаватдан иборатлиги;
- бинонинг эскирганлиги (фойдаланиш учун топширилган йил);
- охирги марта капитал таъмирдан чиқарилган йил;
- ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимнинг мавжудлиги;
- мулкни ҳимоя қилиш тизимларининг мавжудлиги (темир эшиклар, дарҳол хабар бериш тугмачаси ва сигнализация ва ҳок.).

Хулоса ва таклифлар.

“Ақлли суғурта” маҳсулотларини жорий қилиш натижасида технологиянинг ўзи янги бўлишидан ташқари суғурта портфелининг сезиларли даражада ўсиши ва ривожланиши рўй беради, аммо кўп жиҳатдан бу энг муҳим омил ҳар бир мижоз ва суғурта объектининг ўзига хос хусусиятларини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда воқеа юз беришининг энг аниқ эҳтимолий нарх кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи суғурта маҳсулотларини сотиш, бу охир-оқибат рискларни баҳолашдаги аниқликни анча ошириш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига ижобий тарзда таъсир қилишига имкон беради. Шу билан бир қаторда шунга ўхшаш маҳсулот турлари мижоз учун унинг суғурта маҳсулотининг баҳосини шакллантиришда фаол иштирок этишини назарда тутати ва албатта, унинг ҳаётидаги барча йўналишларда салбий ҳолатлар ривожланишининг олдини олади.

Худди шунга ўхшаш тизимларни Ғарбда жорий этиш тажрибаси шуни

кўрсатадики, “аклли суғурта” маҳсулоти йўллардаги йўл-транспорт ҳодисалари миқдорининг пасайиши, йўл ҳаракати хавфсизлигининг умумий даражасини ошириш, автомобиль эгаларининг суғурта ва ёқилғи харажатларини қисқартириш, шунингдек, шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилашга имкон берди. Касалликни унинг эрта босқичида ташхислаш самарали даволаш гарови бўлган тиббиёт учун бундай қарорлар мижозларнинг тиббий харажатларини камайтириш, суғурта компанияларига эса суғурта копламаси тўлаш ва таъминлашга доир харажатларини умумий камайтиришга қаратилган олдини олувчи чоралар кўришга имкон беради.

Суғурта телематикасини мамлакатда жорий қилиш суғурта тизимини рақамли ривожлантриш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда асосий восита сифатида хизмат қилади ва ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш, ҳукуватимиз томонидан кўйилган рақамлаштириш вазифасини бажаришда ечим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 24.01.2020, <http://www.uza.uz>
2. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М. ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
3. Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь: Экономика и страхование. - М.: Церих-ПЭЛ, 1996. - 528 б.
4. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 462 с.
5. Дюжиков Е.Ф. Перспективы сотрудничества стран СНГ в области страхования // Финансы. - 2000. - №6.-С.42-44
6. Таракуцяк А.О. Страховые услуги: Учебное пособие. – К.: Из-во: Европа, 2003. - 584 с .
7. Плис В.И. Страхування: Навч. посібник – К.: Каравела, 2005. – 392с.
8. Базилевич В.Д., Базилевич К.С. Страхова справа. – 4-те вид., перероб. і доп. - К.: Знання, 2005. – 351 с.
9. Александрова М.М. Страхування: Учебно-методичкое пособие. – К.: ЦУЛ, 2002 – 208с.
10. Батуев Б. SIM-Chip – M2M электроникасидаги янги сўз // Симсиз технологиялар.2011;4.URL[http://electronix.iu/foruin/index\(.php?akt=attach&id=66566&tipe=post](http://electronix.iu/foruin/index(.php?akt=attach&id=66566&tipe=post)
11. Ptolemus Consulting Group консалтинг маркази маълумотлари.
12. Berg Insight консалтинг маркази маълумотлари.
13. Future Market Insights консалтинг маркази маълумотлари.
14. Krawczyk, M. W., Trautmann, S. T., & van do Kuilen. G. (2016). Catastrophic risk: social Influences on Insurance decisions. Theory and Decision, 1-18 doi:10.1007/s11238-016-0571-y Risk and Insurance Issues and Praticе. 41(2). 259-279. doi:10.1057/gpp.2015.31.

15. Boblcheff, C., Chaney, T., & Gollier, C. (2016). Analysis of Systemic Risk In the Insurance Industry. *The Geneva Risk and Insurance Review*. 41(1), 73-106. doi.10.1057/grir.2016.1.